

“Тасдиқлайман”

**Ўзбекистон Республикаси
Олий аттестация комиссияси
раиси**

А.Т. Юсупов

30 декабрь 2020 йил

**Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан
кўрсатиладиган «Фан доктори (Doctor of Science, DSc) илмий
даражасини бериш» давлат хизмати Регламенти**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (Ўзбекистон Республикаси ОАК) «Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини бериш» давлат хизмати Регламенти (кейинги ўринларда регламент деб юритилади), Илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар (кейинги ўринларда Илмий кенгаш) томонидан тақдим этилган аттестация ишларини «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низом» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 июнда 2894-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) талабларига мувофиқ расмийлаштириш ва уларнинг экспертизасини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси ОАКга Илмий кенгаш томонидан тақдим этилган аттестация иши «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низом»и талаблари асосида кўриб чиқилади.

3. Аттестация иши, жумладан диссертация ОАКнинг тегишли бўлимлари томонидан «Илмий даражалар комплекс-таҳлилий ахборот тизими» орқали қабул қилиб олинади ва экспертизадан ўтказиш учун эксперт кенгашига тақдим этилади.

4. Илмий кенгаш диссертация ҳимоясини ўтказишда мазкур Низом талабларини бузган бўлса, ОАК раҳбарияти Тартиб-қоида комиссиясининг қарорига асосан аттестация ишини кўриб чиқишни тўхтатади ва мазкур диссертация ҳимояси Илмий кенгаш томонидан қайта ўтказилади.

5. Эксперт кенгаши аттестация иши, жумладан диссертацияни илмий экспертизадан ўтказиб тегишли қарор қабул қилади ва ушбу қарор ОАК Раёсатининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

6. ОАК Раёсати аттестация иши бўйича эксперт кенгаши қарорини асосли деб топмаса, масалани қайта кўриб чиқиш учун эксперт кенгашига қайтаради.

7. Аттестация ишини ОАКда кўриб чиқиш муддати, қоида тариқасида, 2 ойдан ошмаслиги керак. Илмий экспертизадан ўтказиш батафсил ўрганиб чиқишни талаб қиладиган ҳолларда, ОАК Раёсатининг қарори билан аттестация ишини кўриб чиқиш муддати 2 ойгача узайтирилиши мумкин.

8. Талабгор аттестация ишини кўриб чиқиш жараёнининг ҳар қандай босқичида, Кенгашда яширин овоз бериш ўтказилгунга, ОАКда ОАК

Раёсатининг якуний қарори қабул қилинганга қадар ишни муҳокамадан олишга ҳақлидир. Аттестация иши талабгорнинг ёзма аризасига асосан, ОАКда муҳокамадан олинганида, бу ҳақда ОАК Раёсати томонидан тегишли қарор қабул қилиниши лозим.

9. Аттестация ишини ОАКда кўриб чиқиш жараёнида унда аниқланган хато ва камчиликларни тузатишга йўл қўйилмайди.

10. ОАК Раёсати тегишли эксперт кенгашининг хулосасига асосан, Кенгашнинг фан доктори (DSc) илмий даражасини бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлайди ёки рад қилади.

11. ОАК Раёсатининг фан доктори (DSc) илмий даражасини бериш тўғрисидаги Илмий кенгаш қарорини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради ва талабгорга 20 кун ичида фан доктори (DSc) дипломи расмийлаштириб берилади.

12. Илмий даражани тасдиқловчи диплом йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, ОАК томонидан манфаатдор шахснинг аризасига мувофиқ унинг дубликат берилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

фукаролик паспортининг нусхаси;

ҳужжат йўқолганлиги тўғрисида республика марказий газетасида берилган эълон нусхаси (агар йўқолган бўлса);

топилмалар бюросининг тегишли маълумотномаси (агар йўқолган бўлса).

Илмий даража берилган шахснинг фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарган тақдирда, ОАК томонидан манфаатдор шахснинг кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган аризасига мувофиқ диплом қайта расмийлаштирилиб берилади.

13. Кўчирмачилик, сохта ҳужжатлар тақдим этилганлик, диссертациянинг экспертизаси ноҳолис ўтказилганлиги каби ҳолатлар аниқланган тақдирда, Илмий кенгаш хулосаси ва эксперт кенгаши қарорига асосан илмий даражага эга бўлган шахслар ОАК Раёсати томонидан илмий даражадан маҳрум этилиши мумкин.

ОАК Раёсатининг илмий даража бериш тўғрисидаги Илмий кенгаш қарорини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан кейин 10 йил ўтган бўлса, илмий даражадан маҳрум этиш масаласи кўриб чиқилмайди.

14. Манфаатдор шахслар Илмий кенгашнинг илмий даражани бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан Илмий кенгашга ёки ОАКга апелляция беришлари мумкин. Апелляция тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан 2 ой ичида берилиши мумкин. Апелляция бир ойлик муддатда кўриб чиқилади.

15. Ушбу давлат хизмати бепул (диплом бланкаси ва муқоваси учун тўлов белгиланган) ва хизмат натижасида олинган ҳужжат муддатининг амал қилиш муддати чексиз ҳисобланади.